Рядом с нами сидящая матушка, чуть улыбаясь, посмотрела на меня и сказала: "Неудовлетворённость жизнью, нескончаемые мечты довели нас до такого состояния. Не зря говорят: "Сколько бы женщина ни зарабатывала, на соль не заработает". Благодаря заработкам мужчины в семье бывает достаток. Женщина, которая правильно управляет семьёй, мужем, всегда сможет достойно обустроить свой дом. От недовольства же многих нынешних жён в ушах звенит. Если приглядеться к ним, то видно, что у всех имеется хотя бы по одной паре золотых сережек, браслету. Даже в голодные времена люди так не жаловались на жизнь. Если начнешь их расспрашивать о пережитых тяготах, они в большинстве своем вспоминают хорошее, говорят, что были счастливы».

Матушка права, мужчины действительно должны содержать семью, ну а женщины? Недавно одна знакомая, мастер в салоне красоты, собралась уехать за рубеж. Я удивилась, так как она сама мне говорила, что у неё каждый день бывает выручка 30-35 тысяч сумов. Одевается она неплохо, словом, не бедствует. Когда же я ей сказала об этом, она ответила: «Ну, не могу же я привыкнуть к такой жизни, когда, бывает, готовлю еду из одной картофелины, одной морковки, немножко добавляю риса или макарон. Человек должен стремиться к лучшему, жить красиво».

Задумываясь над этими словами, я мысленно согласилась с матушкой: счастье каждой женщины в её семье. А насчёт хорошей жизни... Она – в родном крове, пище, заработанной честным трудом и близких людях, сидящих за одним с тобой столом в хорошем настроении. Главное, не жалуйся вечно на жизнь и будь благодарен за то, что имеешь. Материальное же благополучие придет со временем, если человек будет упорно трудиться.

Мне вспоминается рассказ сестры: «С нами работала одна женщина - разведённая. Уехала на заработки за рубеж. Не прошло и нескольких дней, как она вернулась, снова вышла на работу. Мы удивились. Как позже узнали, её дядя осудил отъезд племянницы, поехал вслед за ней и привёз ее обратно. Сказал лишь одно: "Слава Богу, мы ещё живы. Даже если умрём, запомни: женщина - честь мужчины. А раз это так, то не шути с нашей честью!"»

Я рассказала о том, что видела и слышала сама. К этому больше ничего не могу добавить. Вам же – делать выводы...

Зумрад Фозилжон кизи

Что нужно знать об административном правонарушении. Часть 1

С этого номера мы начинаем публиковать «Памятку для лиц, подвергнутых административному задержанию, и лиц, задержанных за административные правонарушения, а также для сотрудников органов внутренних дел, осуществляющих административное задержание».

Административное задержание - это кратковременное ограничение свободы физического лица, которое может быть применено в исключительных случаях, если это необходимо для обеспечения правильного и своевременного рассмотрения дела об административном правонарушении, исполнения постановления по делу об административном правонарушении. (Ст. 27. 1.КоАП РФ)

Эта памятка – для тех, кто оказался задержанным сотрудниками полиции не за совершение преступлений, а за административные правонарушения. Если Вы оказались в подобной ситуации, забудьте про сериалы и боевики и вспомните про законы. Забудьте советы бывалых циников, что «закон, что дышло» и что «в ментовке правды нет». Делайте только то, что предписано законом и настаивайте на его соблюдении со стороны правоохранителей.

Если считаете, что Вас задержали необоснованно и превысили полномочия, пишите жалобы вышестоящему начальству и в прокуратуру. Не реагируют – пишите Уполномоченному по правам человека.

Применили силу с последствиями для здоровья – пройдите медицинское освидетельствование в Бюро судебно-медицинской экспертизы (Санкт-Петербург, Екатерининский пр., д. 10).

Не клеймите произвол «вообще» и будьте конкретны, излагая факты нарушений. Унижению личности и беззаконию можно противопоставить только доказательность и последовательность действий.

Информация, изложенная в нашей памятке, поможет вам сориентироваться на первых порах в случаях возбуждения административного производства и административного задержания, осознать свое реальное правовое положение и научиться с достоинством отстаивать (а не «качать») свои права при встрече со стражами порядка.

Даже совершенное гражданином правонарушение не является основанием нарушением его прав со стороны сотрудников полиции

КоАП РФ – Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях.

ГПК РФ – Гражданско-процессуальный Кодекс Российской Федерации.

Какие действия могут привести к возбуждению дела об административном правонарушении и что за это грозит?

Мелкое хулиганство, то есть нарушение общественного порядка, выражающее явное неуважение к обществу, сопровождающееся нецензурной бранью в общественных местах, оскорбительным приставанием к гражданам. - Штраф от 500 до 1000 рублей или административный арест на срок до 15 суток. (Ст. 20. 1.КоАП РФ).

Те же действия, сопряженные с неповиновением законному требованию представителя власти либо иного лица, исполняющего обязанности по охране общественного порядка или пресекающего нарушение общественного порядка. - Штраф от 1000 до 2500 рублей или административный арест на срок до 15 суток. (Ст. 20. 1.КоАП РФ)

Пропаганда и публичное демонстрирование нацистской атрибутики или символики. - Штраф от 500 до 1000 рублей либо административный арест на срок до 15 суток с конфискацией нацистской или иной указанной атрибутики или символики. (Ст. 20. 3.КоАП РФ).

Распитие пива и напитков, изготавливаемых на его основе, алкогольной и спиртосодержащей продукции либо потребление наркотических средств или психотропных веществ в общественных местах. - Штрафы от 100 до 1500 рублей. (Ст. 20. 20.КоАП РФ).

Появление в общественных местах (на улицах, стадионах, в скверах, парках, в общественном транспорте, физкультурно-оздоровительных комплексах) в состоянии опьянения, оскорбляющем человеческое достоинство и общественную нравственность. - Штраф от 100 до 500 рублей или административный арест на срок до 15 суток. (Ст. 20. 21.КоАП РФ).

Каким документом оформляется факт совершенного административного правонарушения?

О совершении административного правонарушения составляется протокол, за исключением случаев возбуждения дела прокурором, а также, если за совершение правонарушения назначается наказание в виде предупреждения или административного штрафа. (Ст. 28. 6. ч. 1 КоАП РФ).

Дело об административном правонарушении считается возбужденным с момента составления протокола об административном правонарушении или вынесения прокурором постановления о возбуждении дела об административном правонарушении. (Ст. 28. 1. ч.4 п. 3 КоАП РФ).

В каких случаях производится задержание?

В целях пресечения административного правонарушения, установления личности нарушителя, составления протокола об административном правонарушении при невозможности его составления на месте, обеспечения своевременного и правильного рассмотрения дела об административном правонарушении. (Ст. 27. 1. ч. 1 КоАП РФ).

В каких случаях задержание недопустимо?

Если имеется реальная возможность установить личность, обстоятельства происшествия и на месте совершения правонарушения составить протокол, то задержание не допускается.

Сначала Вам стоит убедить сотрудника в том, что Вы не умышленно совершили правонарушение. А потом сослаться на статью 28. 6. ч. 1 КоАП РФ, что задержание по малозначительному поводу не может быть применено по отношению к гражданину даже при наличии основания для назначения административного наказания в виде предупреждения или штрафа на месте совершения правонарушения.

Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии

Возникли трудности при адаптации в Санкт-Петербурге?

В Фонде работают профессиональные юристы из Средней Азии. Вас поймут, даже если вы не говорите на русском языке!

Приходите! И мы окажем вам содействие в:

- оформлении всех необходимых документов для официального проживания в России
- легальном трудоустройстве
- получении медицинской помощи
- решении юридических проблем
- поиске жилья и достойной работы

Также к вашим услугам:

- занятия по русскому языку
- помощь в получении кредита
- благотворительные акции
- культурные мероприятия
- образовательные семинары

ФОНД ПОМОЩИ трудовым мигрантам из Средней Азии

Мы действуем согласно закону в ваших интересах!

Ждем вас по адресу: м. «Ломоносовская», ул. Бабушкина, д. 52, лит. А, офис 27-Н (вход с Прямого проспекта, дверь рядом с аркой)

Телефон: **8 (812) 309 73 06** Время работы: 10.00 - 18.00 (ПН-ПТ)

Обращение к благотворителям

Дорогие друзья!

Трудовые мигранты из Средней Азии — часть нашей повседневной жизни. Но многие из нас относятся к их проблемам так, как будто их жизни паралельны нашей, не пересекаются. Несмотря на это, мы все — часть одного общества, проживающего на данный момент на территории России. В магазинах, в транспорте, на улице, в многоквартирном доме — мы постоянно живем с гражданами других государств в одном пространстве. Они пользуются теми же услугами медицинского, социального, образования обеспечения. Они также участвуют в формировании российского ВВП как и мы.

Однако многие мигранты живут в «нечеловеческих условиях». Мигранты часто попадаются в руки мошенников и посредников, их часто обманывают работодатели. В результате чего они нередко оказываются в крайне тяжелом материальном и моральном состоянии. К сожалению, некоммерческих организаций в России, в том числе в Санкт-Петербурге и Ленинградской области, оказывающих безвозмездные услуги и помощь этим мигрантам, совсем мало. Некоторые национальные диаспоры оказывают помощь, но не могут оказывать качественные юридические услуги.

С августа 2012 года в Санкт-Петербурге и Ленинградской области функционирует некоммерческая организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии». Основной задачей Фонда является оказание безвозмездной помощи трудовым мигрантам из Средней Азии, в частности, оказание правовой и материальной помощи трудовым мигрантам и другим социально незащищенным лицам из Средней Азии. Также немаловажная задача Фонда - представительство и защита социально-трудовых прав трудовых мигрантов из Средней Азии в органах государственной власти и местного самоуправления, перед работодателями, в судебных и правоохранительных органах, в государственных учреждениях РФ. Кроме того, наш Фонд проводит благотворительные мероприятия и участвует в международных благотворительных акциях.

Также в наш Фонд часто обращаются родственники или знакомые умерших на территории РФ мигрантов. Для отправки одного так называемого «Груз-200» нужно нужно около 50 000 рублей. Хорошо, когда есть родственники или знакомые этих умерших людей. Но, если у этого человека нет ни родственника, ни знакомого. Как тогда поступить? Наш Фонд уже несколько раз сталкивался с подобными случаями. Наши волонтеры по пятницам ходили по мечетям и стройкам, собирали деньги для отправки умерших мигрантов на родину.

Мы благодарны нашим благотворителям: частным лицам и организациям, оказывающими финансовую помощь и информационную поддержку. Большинство из них, сделав благотворительный взнос, даже не осознают, какое большое дело они сделали. Независимо от того, какой это был взнос – 10 или 1 млн рублей. Нам важна любая поддержка, потому что мы знаем, как ее употребить в пользу тех, кто в ней нуждается.

Если Вы хотите познакомиться с нашим Фондом, мы будем рады видеть Вас и рассказать о работе, корую мы ведем.

Благотворительная организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии». Адрес: ул. Бабушкина, д. 52 (м. Ломоносовская)

Телефон: 8 (812) 309-73-06

Уважаемые родители! СПб РОО «Дети Петербурга» приглашает детей от 4 до 18 лет на

БЕСПЛАТНЫЕ ЗАНЯТИЯ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ И КУЛЬТУРЕ.

Уроки проходят 1-3 раза в неделю в разных районах города.

Запись по телефону

8-921-093-8819

detipeterburga.ru

vk.com/knowyourlanguage

В Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии требуются специалист по юридическим вопросам, специалист по работе с членами Фонда (желательно женщина), переводчик с русского на узбекский и с узбекского на русский для газеты и выпускающий редактор для узбекской части газеты «Туран».

ТРЕБОВАНИЯ К КАНДИДАТАМ:

- **хорошее знание русского языка и законов РФ,**
- **коммуникабельность, дружелюбность,**
- **умение работать в команде,**
- **отличное знание компьютера.**

Обязательно наличие разрешительных документов, соответствующих квалификации.
Приветствуется опыт работы, связанный с миграцией,
в фонде или в некоммерческих организациях.
Адрес: м. Ломоносовская, ул. Бабушкина 52, оф. 27н.

Телефон: 309-73-06, 8 (952) 224-30-19

16+

Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий «Турон» газетаси

Турон

№ 40 (169)

23 октябрь 2014

Бобур бобонг мусофирликда қурди салтанат,
Навоий адибинг мусофирликда қилди ижод,
Жалолиддин мусофирликда қилди ватаним деб жиҳод,
Сен Турон ўғлони ўзлигингни сақлагил фақат.

Санъат мусибатни енгади

Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилаётган замонавий санъат биеннали “Манифест 10” ўз ниҳоясига етмоқда. Биз фестивалнинг асосий ва ёндош дастурларидан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Мана, ўтган ҳафтада, 18 октябр куни ҳам Санкт-Петербург шаҳри аҳолиси польшалик санъаткор Иоанна Варша тайёрлаган “Паблик арт” деб аталмиш санъат дастуриниг парчасини томоша қилишга муваффақ бўлдилар. Кўпгина мутахассисларнинг фикрича,”Паблик арт” дастури биенналенинг асосий ва ёндош лойиҳаларидан анчагина мазмунли ҳамда ўз мақсадига эришганидир.

Паблик арт - бу замонавий санъат кўринишларидан бири, бўлиб, жамият ичида мулоқотга шу жумладан, кутилмаган мулоқотга мўлжаллангандир.

Витебск вокзалида 18 октябрда ўтказилган Рагняр Кьяртанссон перформанси - бу шубҳасиз, муваффақиятдир, деб ёзади “ ART1“дан Павел Герасименко.

Рагняр Кьяртанссон Исландиялик перформанс рассоми. 2006 йил у “Sorrow conquers happiness “ яъни “Мусибат бахтни енгади” деган маънони англатувчи санъат асарини саҳналаштирган. Унинг шундай деб номланган ва биргина жумладан иборат композицияси етти соат давомида ижро этилган.

Кьяртанссонни бутун дунёга машҳур қилган кўп соатли мусиқий композицияларининг самарасини таърифлашга ёки видеолавҳаларда тавсифлашга тил ожизлик қилади. Витебск вокзалининг Суратлар зали етти соат мобайнида товушлар дунёсига ғарқ бўлиб, бу саслар ёрдам ҳақида бонг урар эди.

“Манифест 10” учун “Мусибатни енгиш лозим” композициясини” Synergy orchestra” петербургли чолғучилар гуруҳи ижро этиб, улар уч созанда,тўртта торли асбоб, арфачи, зарбли созлар ва контрабасдан иборат бўлим, роялда муаллифнинг ўзи ҳамда муаллифга жўрлик қилувчи вокалчидан ташкил топди.

Рус тилида куйланган қўшиқ ижро этилиши мобайнида жуда ҳам дилкаш шаклга кириб, “русча қўшиқ”ка айлана борди. Дастурда матн аввалига “Соғинч бахтдан кучлироқ” деб номланган эди, аммо кейинчалик у “Мусибат бахтни енгади” деб ўзгартирилиши Кьяртанссон асарининг муваффақиятли равишда маҳаллийлашишига сабаб бўлди. Бу нафақат ритм нуқтаи назаридан, балки машҳур грамматик икки маънолик бўлган “ким — кимни?”нинг қўшилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ундан ташқари, иккита тушунча рус жамоатчилигининг асосий қисмида алоҳида ўринга эга бўлган “ғалаба”нинг концептини бир—бири билан боғлади.

Вокзал ходимларининг кўпчилигининг сезилиб турган норозилигига қарамасдан, у ерда бўлган оддий мухлислар мусиқа садолари остида жалб қилинди, улар бу вақтда кўпчиликни ташкил қилар эди, узоқ вақт кетаолмасдан туриб қолди. Санъаткор тасодифий мухлисларнинг ишончсизлигини енгиб ўтишга муваффақ бўлди: залда ўтирган ёши катта аёллар овозларини чиқармаган холда лабларини қимирлатиб, жўр бўлаётганликлари кўриниб турарди. Ниҳояси мавжуд бўлмаган ёки жуда ҳам узун қўшиқ вокзалда меҳнат қилувчилар орасида кўпчиликни ташкил этган Ўрта Осиёликларни ҳайратда қолдирмади, чунки у шарқ фольклорининг такрорлаш ва куйлар ўзгариши анъаналари билан тўғридан—тўғри боғлиқдир.

Оддий мусиқа мавзусини муаллиф ҳам, қўшиқчи ва мусиқачилар бир марта ҳам қайта такрорламади, у ўзгарган ҳолда турли хил наволарда янгради. Рус тилини билмайдиганлар (ёки поляк тилини) учун талаффуз этиш деярли мураккаб бўлган “бахт” сўзидаги товушларнинг янграши вокалист учун алоҳида вазифа эди.

Залда бир соатдан кўп вақт ичида бўлганлар “ҳаёллар оғушига шўнғиб кетди”. Кьяртанссоннинг перформанси бу дунёдаги барча нарсаларнинг нисбий эканлиги ҳақидаги дзен-будда амалиётига ўхшаб кетди, куйнинг бир жойларида эса вокалистнинг овози мусиқачилар иштирокида черков қўшиғига айланиб кетгандай бўлди.

Витебский вокзали ўз ташқи кўриниши билан шаҳарда Европа буржуазияси қиёфасини сақлаб қолган ягона жой бўлса керак. Унинг классик безакларида санъаткор тарихнинг бир нечта сюжетларидан келиб чиққан холда декадентликдан бошлаб, “бахт”дан кўра “соғинч”га каттароқ аҳамият берган ар-нуво интерьерларидан фойдаланиши мумкин эди.

Аввалига залнинг деразаларидан ёрқин қуёш нури уриб турди, перформанс ёруғ осмон остида ғира-ширада ўз ниҳоясига етди, шундай қилиб, унинг эмоционал натижасини шеърий шаклда “ёрқин мусибат” деб аташ мумкин.

Фото: art1

Андрей Звягинцевнинг “Левиафан”и кўпгина халқаро фестиваллар ғолиби бўлди

“Левиафан” – бу замонавий Россия материаллари асосида айтиб берилган Библиядаги Иов тарихининг муаллифлик талқинидир. Ролларда – Алексей Серебряков, Елена Лядова, Владимир Вдовиченков, Роман Мадянов, Анна Уколова ва бошқалар иштирок этган.

“Левиафан” – Андрей Звягинцевнинг йирик дунё кинофестивалида мукофотланган тўртинчи фильмидир. Унинг “Қайтиш” номли биринчи фильми Венециядаги кинофестивалда “Энг яхши фильм” ва “Энг яхши дебют учун” мукофотларини қўлга киритган. “Бадарға” номли иккинчи фильми Канн кинофестивалида “Энг яхши эркак роли учун” мукофотини қўлга киритди. “Елена” номли учинчи фильми эса Канн кинофестивалининг “Алоҳида назар” дастурининг махсус мукофотига лойиқ деб топилган.

Андрей Звягинцевнинг “Левиафан” фильми 58-Лондон кинофестивалида энг яхши фильм деб топилган. Бу йилги Лондон кинофестивалида энг яхши тўлиқметражли дебют мукофотини украиналик режиссёр Мирослав Слабошпицкий кар-соқов ўсмирлар ҳақида тўлиқ имо-ишоралар тилида суратга олинган ва субтитрларсиз намойиш этилган “Қабила” фильми олди. Лондон кинофестивали – Буюк Британиядаги энг обрўли кинофестиваллардан биридир. У 1956 йилдан бери ҳар йили ўтказиб келинади.

Звягинцевнинг “Левиафан”и Мюнхендаги 32-халқаро кинофестивалда ҳам энг яхши хорижий фильм деб тан олинган. CineMasters нинг асосий конкурс дастурида “Левиафан” билан биргаликда акаука Дарденнларнинг “Икки кун, бир кеча”, Оливье Ассайаснинг “Зильс-Мария”, Жан-Люк Годарнинг “Алвидо, нутқ”, Наоми Кавасенинг “Харакатсиз сувнинг бети” ва бошқа фильмлар иштирок этди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Мюнхендаги кинофестиваль 27-июндан 5-июлгача бўлиб ўтди. У 1983-йилдан бери ҳар йили ўтказиб келинади. Конкурсда бадиий, ҳужжатли ва қисқаметражли фильмлар ҳамда Германия, Европа ва бутун дунё бўйлаб намойиш этиладиган телевизион фильмлар ҳам намойиш этилган.

Фильмнинг дунё премьераси 67-Канн халқаро кинофестивалининг асосий конкурс дастурида бўлиб ўтди, картина у ерда “Энг яхши сценарий учун” мукофотига сазовор бўлди. Фильм сценарийси Звягинцев ва Олег Негин билан ҳамкорликда ёзилган. “Левиафан” Россиядан “Оскар” мукофоти учун номзод этилган.

Расмий баёнот

Ўн йил кириш ҳуқуқисиз

Депутатлар миграция қонунчилигини яна мураккаблаштиришмоқда. Агар чет эллик Россияда бир йилдан кўп яшаб, рухсат берилган бўлиб туриш муддатларини бузган бўлса, унга Россияга кириш ўн йилга ёпилади. Миграция қонунчилигидаги бундай ўзгартиришни жума куни Давлат Думаси биринчи ўқишдаёқ тасдиқлади. Шу билан бирга депутатлар фавқулодда элчи рангидаги россиялик дипломатлар учун улар агарда Федерация Кенгаши аъзоси бўлишни истаса, "ўтроқлик чеклови"ни бекор қилишди.

Депутатлар деярли бир овоздан (450 кишидан 446 таси "ҳа" деган) ФК аъзолари гуруҳи томонидан киритилган чет элликларни миграция қоидасини бузганлик учун жазолашни кучайтирувчи қонун лойиҳасини биринчи ўқишдаёқ тасдиқлашган. Сенаторлар "РФдан чиқиш ва РФга кириш тартиби тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддасини агар чет эллик Россияда бир йилдан ортиқ вақтда яшаб, бундай муддат учун рухсатнома олмаган бўлса, ундай шахсларни Россияга ўн йил мобайнида киритмаслик билан тўлдиришга қарор қилишди. Депутатларнинг тушунтиришларича, гап авваламбор пул ишлаш мақсадида келганлар ҳақида бормоқда. Аввалига қонуннинг 27-моддасида бундай нормаларнинг 12 таси ёзилган эди: масалан, йил давомида икки маротаба маъмурий жарима олган чет элликни Россияга киришини уч йилга таъқиқлаш, РФда рухсат этилган 180 суткадан ортиқ бўлганлардир (бир йил давомида 90 суткадан икки маротаба).

"Чора жуда ҳам қаттиқ, лекин кераклидир, қаттиқ чораларнинг қўлланилиши ноқонуний миграцияга қарши хизмат қилиши лозим", - деб изоҳлади ФКнинг халқаро ишлар бўйича кўмита раиси ўринбосари Владимир Джабаров. РФда "бир йил ноқонуний равишда бўлиб тургани учун" ўн йиллик таъқиқни у "миграция қонунчилигининг коррупцион чиқимларини камайтириш учун" норма эканлигини таъкидлади.

"Фуқаролик кўмаги" жамоат қўмитаси раиси Светлана Ганнушкина фикрига кўра, бу чора – "кейинги қоидабузарликлар учун иғвогарликдир": "Одамлар қонунни айланиб ўтиш чораларини излашни бошлайди. Муҳожирлар оқимини тартибга солиш, коррупцияни пасайтиришнинг иложи йўқ". Аммо "баъзи бир одамларга бефойда зарар етказилади", дейди у, ахир қоида бузарларнинг асосий қисми бола боқувчилари, қаровчилар ва ҳаттоки ўз неваралари қараб туриш учун келган бувилардир. Шу сабабли "кўп йиллик таъқиқларнинг ўрнига жарима белгилаш керак ва уни чегарада олиш керак", деб ҳисоблайди Ганнушкина хоним.

Манба: Виктор Хамраев. КоммерсантЪ газетаси

Муҳожирлар имтиҳонни ўз иш жойларида топширади

Рус тили, Россия қонунчилиги асослари, ҳамда Россия тарихи бўйича имтиҳонни муҳожирлар ўз иш жойларида топширишлари мумкин. Бунинг учун, иш берувчиларнинг манзилларига алоҳида махсус тузилган мобил гуруҳлар келади. Бу ҳақда "Известия"га Россия Халқлар Дўстлиги Университети, қўшимча таълим бўйича проректори Должикова Анжела хабар қилди. Ҳозирда бундай гуруҳлардан 8 та яратилган.

А. Должикованинг айтишича, мобил гуруҳлар фақат олдиндан тест саволларига буюртма берган, ҳамда четдан келган ишчилар сони 25 кишидан ортиқ бўлган иш берувчиларнинг ишхоналарига келишади. Битта корхонага гуруҳлар сонидан келиб чиққан ҳолда, 2 та ёки 4 та имтиҳон олувчи жўнатилади.

"Мобил гуруҳ келиши учун иш берувчи уларга жой тақдим этиши шарт. Жой деганда гап қандайдир қурилиш ҳақида эмас, офис назарда тутилган ва имтиҳон фақат офисда ўтказилиши мумкин, – дейди Должикова.

"Известия"га аввал хабар берилганидек, имтиҳоннинг нархи, бир киши учун тахминан, 4500 рублдан 5000 рублгачани ташкил этади.

Эслатиб ўтамиз, 2015 йилнинг 1 январдан, ишга рухсатнома олиш учун барча муҳожирлар рус тили, Россия қонунчилиги асослари ва Россия тарихидан имтиҳон топширишлари шарт. Гувоҳнома берилган вақтидан кейин 5 йил муддатда амал қилади.

Ҳозирги вақтда рус тилидан имтиҳонлар ўтказилмоқда. Имтиҳонни савдо-сотиқ, маиший хизмат ҳамда ЖЭК соҳасида ишламоқчи булган муҳожирлар топширишлари шарт. Имтиҳонни топшириш нарҳи 3000 рублни ташкил этади.

Комплекс шаклидаги имтиҳон ҳақини нафақат иш берувчи, балки муҳожирнинг ўзи ҳам тўлаши мумкин.

Тест олиш учун қўшимча ҳақ тўланмайди, лекин корхонада муҳожирлар сони 25 кишидан ортиқ бўлиши шарт, бунинг сабаби эса имтиҳон қабул килувчиларнинг ҳаражатларини қоплашдир, деб айтиб ўтди А.Должикова. Муҳожирлар имтиҳони учун ҳақни ким тўлашини ишберувчиларнинг ўзлари бевосита ҳал қилади.

Яқиндагина чет эллик ишчиларда рус тили ҳамда рус маданиятини ўз иш жойларида ўрганиш имкониятлари туғилди. Бу ҳақда Москва шаҳри бўйича ФМХБнинг Миллий уюшмалар билан ишлаш бўйича бўлим бошлиғи Татьяна Дмитриева хабар қилди. Аммо, таълим курси тўловларини иш берувчи тўлаши керак.

ФМХ полиция функцияларидан воз кечди

Федерал миграция хизмати (ФМХ) жиноят ишларини тергов қилиш функцияларининг берилишига бўлган ходимларининг ваколатларини сезиларли даражада кенгайтиришга йўналтирилган режаларидан воз кечди. Бу ҳақида "Иммиграцион назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг янги таҳририни жамоатчилик муҳокамасидан кейин чоп этилган матнидан билиб олиш мумкин. Миграция муассасаси фуқароларни, уларнинг транспорт воситаларини ўзи мустақил равишда тинтув ўтказиши, жисмоний куч, махсус воситалар ва қурол ишлатиш зарурияти ҳақида ўз фикрини маъқулламаяпти.

"Иммиграцион назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг биринчи таҳрири 2014 йилнинг апрелида чоп этилган эди. Ҳужжатнинг дастлабки версияси қонунчилик базасини деярли миграция полицияси тузишга олиб борган эди. Масалан, ФМХ ноқонуний миграцияни ташкил этиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва паспортларни ноқонуний равишда бериш бўйича жиноят ишларининг судгача бўлган тергов ишларини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин эди. Ундан ташқари, миграция идораси ходимларига фуқароларда, уларнинг транспорт воситаларида тинтув зтказиш, зарур ҳолларда жисмоний куч, махсус ускуналар ва қурол ишлатиш, аҳоли пунктларида патрул бўлиб юриш, гумондор ва айбланувчиларни дактилоскопия қилиш рухсат берилган эди.

Юқорида айтиб ўтилган барча жараёнлар ҳозирда Ички Ишлар Вазирлиги ваколати ҳисобланади. Миграция текширишлари факти бўйича жиноий иш қўзғатиш ҳам полиция муассассасига тааллуқлидир, у буни ФМХ материаллари асосида амалга оширади.

ФМХ ўз ходимларининг ваколатларини кенгайтириш бўйича икки йилдан бери қонунга ўзгартириш киритиш ҳаракатида. Шу жумладан, идоранинг раҳбари Константин Ромодановский 2013 йилнинг охирида (Москвадаги Бирюлево воқеаларидан сўнг) "КоммерсантЪ"га берган интервьюсида сўроқ қилиш функциясини ташкилотга берилиши зарурлигини айтиб ўтган эди: "Агар инспектор судга келиб тушаётган материалларнинг сифатига жавоб берганида эди, ишнинг унумдорлиги анча юқори бўлган бўлар эди, чунки унда натижа учун жавобгарлик бўлар эди".

Аммо, regulation.gov.ru сайтида чоп этилган "Иммиграцион назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасида бу ҳақда ҳеч гап йўқ. Қонун лойиҳасининг янги таҳрири дастлабкисига нисбатан анча "сипо" кўринади: фуқаролар ва транспорт воситаларини тинтув қилиш, махсус воситалар ва қуролдан фойдаланиш нормалари йўқ бўлди.

"Бугунги кунда бундай ўзгартиришлар хали эрта эканлиги барчанинг фикрига кўра тан олинди, - деб изоҳлади ФМХ чет эллик фуқаролар билан ишларни ташкиллаштириш бўйича департамент раҳбари Сергей Темрякович. – ИИВнинг фикрини ҳисобга олганда, уларда бу ишни ўтказиш учун куч ва воситалар мавжуд". Жаноб Темряковичнинг таъкидлашича, миграция идорасининг сўров ишларини олиб бориш учун етарли кадрлари ҳам, навбатчилик қисмлари ва куну-тун ишлайдиган бўлинмалари ҳам йўқ.

"Миграция XXI аср" фонди президенти, РФ ФМХ раҳбарининг собиқ ўринбосари Вячеслав Поставнин қонун лойиҳаси учун Ички Ишлар Вазирлигида ва Федерал Хавфсизлик Хизматида қаттиқ қаршилик билдирилган деб тахмин қилмоқда: "Иммиграцион назорат тўғрисида"ги қонуннинг дастлабки версияси аслини олганда янги махсус хизматни яратишни кўзда тутган эди". Унинг фикрига кўра, ҳужжатнинг ушбу таҳрири куч ишлатиш мумкин бўлмаган "миграциянинг гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини" тўлиқ чиқариб ташлаган эди. "Ўзгартиришлар киритилган қонун лойиҳаси эса умуман олганда ФМХда мавжуд бўлган функцияларни умумийлаштиради, холос", - деб қўшиб қўйди мутахассис.

"Сўроқ ишлари билан полиция шуғулланиши керак, чунки миграция ишлари, айтайлик наркотик моддалари тарқатиш каби ўзига хос хусусиятларга эга эмас", - деди инсон ҳуқуқлари бўйича президент кенгашининг миграция сиёсати бўйича комиссияси раиси Евгений Бобров. Миграция қонунчилигини бузган муҳожирлар учун дактилоскопия ўтказишни, масалан, қонун лойиҳасида қолдирса бўлар эди, деб ҳисоблайди инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг аъзоси: "Дактилоскопия ўтказиш имкониятига эга бўлган ФМХ ходимларига муҳожирлар билан кейинчалик ишлашда енгил бўлар эди".

Вячеслав Козлов, КоммерсантЪ нашри

Хайр-эҳсон қилувчи инсонларга мурожаатнома

Азиз дўстлар! Ҳеч кимга сир эмаски, сўнги йилларда Ўрта Осиёдан Россияга ишлаш учун келаётган меҳнат муҳожирлари сони кескин ошди. Афсуски, уларнинг аксарияти инсонга хос бўлмаган оғир шароитларда яшаб, меҳнат қилмоқда. Ҳамма муҳожирлар ҳам тайинли иш ва турар-жой топишга муваффақ бўлавермайди. Аксарият ватандошларимиз муттаҳам ва виждонсиз воситачилардан жабр кўрадилар, баъзиларини эса фирибгар иш берувчилар алдайдилар.

Табиийки бунинг натижасида, ҳамюртларимиз ночор молиявий аҳволга тушиб, тушкунликка тушиб қоладилар. Мусофир юртда кимга бориб дардини айтишини, кимдан ёрдам сўрашини билмай қолади. Афсуски, қийин аҳволга тушиб қолган ҳамюртларимизга беминнат ёрдам кўрсатувчи нотижорат давлат ташкилотлари Россияда, шу жумладан Санкт-Петербург ва Ленинград областларида жуда кам. Инсонпарварлик ташкилотлари муҳожирларга ёрдам кўратмайди. Айрим миллий жамиятлар эса «пуллик» ёрдам беришмоқда, ёки ҳар доим ҳам ўз ватандошларини ҳимоя қилишга қодир эмас.

Шу сабабли, 2012 йилнинг август ойидан бошлаб Ленинград области ва Санкт-Петербург шаҳрида «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Фоднинг асосий вазифаси Ўрта Осиёдан келган меҳнат муҳожирларига ва ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга беминнат ва беғараз ёрдам кўрсатиш, хусусан, ҳуқуқий ва моддий мадад беришдан иборат. Фоднинг яна бир муҳим вазифаларидан бири- бу Россия Федерациясининг бошқарув органлари ва маҳаллий бошқарув идораларида, иш берувчилар олдида, суд ва ҳуқуқ-тартибот органларида, таш-килий уюшмалар ва бошқа давлат органларида муҳожирлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Бундан ташқари, бизнинг Фонд оммавий хайрия тадбирларини ўтказиб келмоқда, турли халқаро хайрия акцияларида иштирок этмоқда.

Фондга шу ерда вафот этган муҳожирларнинг яқинлари ва қариндошлари ҳам ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Инсон майитларини ватанга юбориш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Бу хизматни дафн этиш ташкилотлари кўрсатади ва бу пуллик хизмат ҳисобланади. Айни вақтда бир майитни Ўрта Осиёга юбориш учун ўртача 50 000 рублдан кўпроқ маблағ керак бўлади. Марҳумларни бу ерда яқинлари ёки танишлари бўлса, юбориш анча енгиллашади. Бироқ уларни ҳеч кими бўлмасачи? Фондимиз бир неча марта бундай нохуш ҳолатларга дуч келди. Кўнгилли ходимларимиз ҳамюртимиз майитини юбориш учун жума кунлари масжидларга ва қурилиш биноларига бориб, хайр-эҳсон маблағларини тўпламоқдалар.

Бизга ўзининг беминнат ёрдамини аямаётган қўли очиқ инсонларга таъзим қиламиз: шу жумладан, хусусий тадбиркорлар, ташкилотлар, беэътибор бўлмаётган ҳамюртларимизга кўрсатаётган молиявий ва ахборот кўмаклари учун ташаккур деймиз. Уларнинг кўпчилиги моддий кўмак бериб, қанчалик катта савоб ишга қўл ураётганликларини билишмаяпти. Яратган Эгам ҳам ҳайр-эҳсон қилувчиларни севади. Савобнинг катта кичиги бўлмайди, хоҳ у 10 рубль бўлсин, хоҳ миллион. Биз учун ҳар қандай кўмак муҳим, чунки бу эҳсон маблағлари ёрдамга жуда муҳтож ва ночор одамларга сарф этилади.

Беминнат моддий ва маънавий ёрдам беришни истаган инсонпарвар инсонларни бизга қўнғироқ қилишларини ёки Фондимиз идорасига ташриф буюришларини сўраймиз. Сизларни Фоднинг мақсади, вазифалари, хамда ўтказилаётган хайрия тадбирлари билан чуқурроқ таништириб ўтамиз.

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди: «Ломоносовская» метро бекати, Бабушкина кўчаси 52-уй лит. А, офис 27Н (арка ёнидаги эшик, Прямой пр-кт орқали кирилади). Тел: 8 (812) 309-73-06.

Р/счёт: 40703810405180000011 «Петровский» филиал ОАО Банк «Открытие» Санкт-Петербург. К/счёт 30101810400000000766, БИК 044030766.

Интервью

Уруш ветеранининг ФМХБ бошлиғига ёрдам беришларини сўраб ёзган мактуби

Биз муҳим деб ҳисоблайдиган иккита мавзу мавжуд, лекин иккаласи ҳақида бирданига гапираолмаймиз, чунки улар ўзаро боғлиқ эканлигини тасаввуримизга сиғдира олмаймиз. Мен Улуғ Ватан уруши ва мамлакатимизга Ўрта Осиё ҳудудидан амалга оширилаётган миграция ҳақида гапирмоқдаман. Бу ҳикояда ветеран ва муҳожир ҳаёти жипслашиб кетган. Умуман олганда бунинг ҳарон қоларли жойи йўқ, чунки барчамиз бир шаҳарнинг қисмимиз.

Улуғ Ватан уруши ветерани Семенов Геннадий Евстигнеевич 25 та орден ва медаллар соҳиби, Болтиқ бўйи ҳудудларининг озод этилгани ва 9 май Ғалаба салютидан кейин Узоқ Шарққа Манчжурия ва Шимолий Кореяни япон армиясидан озод қилиш учун жангга ташланган. Геннадий ундан ташқари Сестрорецк шаҳрининг Фахрий фуқароси, РФ Фахрий қурувчиси. 1-гуруҳ ногирони, доимий ғамхўрликка муҳтож одам.

Семенова Галина Петровна – Улуғ Ватан уруши ветерани турмуш ўртоғи, қамалдаги Ленинградда яшаган. Ҳозирда "На Знаменкой" МЧЖда ижарачилар билан ишлаш бўйича бухгалтер бўлиб ишлайди. Семенов Г. Е. билан турмуш қурганига 33 йил бўлган.

Азимова Озода Оқиловна, Тожикистон Республикаси фуқароси. Семенов Г. Ега деярли 2 йилдан бери боқувчилик қилади. Август ойида ўз ватанига ота-онасини кўриб келиш учун кетди ва қайтиб кела олмади. Унга РФ ҳудудида бўлиб туриш тартибини бузганлиги учун Россияга кириши учун таъқиқ қўйилган. Галина Петровнанинг сўзларига кўра, у Семеновларнинг уйида ишлаган даври мобайнида уларнинг оила аъзосига айланган. Озоданинг эри ва ўғли ҳам Санкт-Петербургда яшаб, меҳнат қилади.

Семенов Г. Е.дан Санкт-Петербург ва Ленинград области бўйича ФМХБ бошлиғи Дунаева Е. В.га йўлланган кафолат хати: "Менда боқувчи сифатида 2 йилдан меҳнат қилган ва ўзини меҳнатсевар ҳамда масъул ишчи сифатида кўрсатган Тожикистон фуқароси Азимова О. О.га нисбатан Россия Федерациясига кириши учун қўйилган чекловни олиб ташлашингизни сўрайман. Сиздан у томонидан ўзининг аввалги бўлиб туриши вақтида битта маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганини, бу эса жамоат хавфсизлигига рахна солмаслигини, аввал маъмурий ва бошқа жавобгарликларга жалб этилмаганини ҳисобга олган ҳолда РФ ҳудудида меҳнат қилиш имкониятини беришингизни сўрайман. Мен ўз навбатида чет эл фуқаросининг қонуний шаклда меҳнат қилиши ҳамда Азимова О. О.нинг тураржой ва унинг РФ ҳудудида бўлиб туриши учун зарур бўлган шароитларни таъминлаш билан боғлиқ барча мажбуриятларни ўз зиммамга оламан. Ушбу мурожаат – қисқа муддатли кайфиятнинг махсули эмас, балки ижобий хал қилинган тақдирда бундан кейин ҳам фуқаро Азимова О. О. томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузилишлари учун жавобгарликни ҳам бўйнимга оламан".

Сестрорецк шаҳридаги катта бўлмаган шинамгина квартирада биз Галина Петровна ҳамда Геннадий Евстигнеевич билан замонавий дунёда ветеранлар ҳаёти, Озода ва нимага айнан у кераклиги ҳақида суҳбатлашдик.

- Галина Петровна, турмуш ўртоғингиз ва боқувчи унга қандай ёрдам кўрсатиши гапириб берсангиз?

- У 2009 йилдан бери қаттиқ касал. Юрак ҳуржини бошидан ўтказди ва августда унинг соғлигини анчагина бузган оғир операция бўлди. Лекин ҳозир соғлиги анча яхши бўлиб қолди, ўзи ўрнидан тура бошлади. Мен ҳозир тузалиш жараёни тезроқ ўтиши учун массажчини чақирганман.

- Сиз қандайдир давлат ижтимоий ёрдамини олиб турасизми?

- Давлат ёрдами? Аслини олганда, нафақамиз яхшигина. Менинг нафақам яхши, чунки мен қамалдаги Ленинград яшовчиси ҳисобланаман, у эса Уруш ветерани, 1-гуруҳ ногирони, ундан ташқари, тахминан 3 йилдан бери урушда олган жароҳатлари учун унинг нафақасига қўшимча пул қўшилган. Доимий равишда бизникига тиббий ходим келади, у қон босимини ўлчайди, асосан унинг вазифаси шундан иборат. Бизникига ижтимоий ишчи келади. У ҳафтада 4 соатни бизга ажратади, шанба ва якшанбадан ташқари. Бу одамга давлат тўлайди, мен 1000 рублдан салгина кўпроқ тўлашим керак. У келиб, ахлатларни олиб чиқади, яна у-бу ишларга баъзан ёрдам беради. Лекин бутун тиббий ёрдамни ўз ҳисобимдан амалга ошираман. Мен хали ишлайманку, маошим 25 000 рубль, яна шунча нафақам бор. Эримнинг нафақаси эса 50 000 рубль. Албатта, унинг касаллиги сабабли бизнинг харажатларимиз катта: ҳаво тозалагич, матрац, дорилар, турли хил врачлар. Лекин давлатдан нимадир сўраш ўзимга қиммат тушади. Ҳаракат қилиб кўрдим, менга врачлардан иборат бутун комиссияни чақириш кераклигини айтишди. Ҳаттоки 8 000 турадиган матрац учун ҳам. Уни ўзим сотиб олганим афзал. Тўғрисини айтганда, ҳозир менга дўконлардан топиб бўлмайдиган бошқа матрац керак. Биздаги 40-шаҳар касалхонасида бор экан, лекин менимча уни Финляндиядан буюртма билан олиб келишмоқда. Бизнинг яна бир муаммомиз - 3-қаватда яшашимиздир. Ва унинг ўзига пастга тушиш қийин. Шу сабабли айланишга чиқаолмайди. Врачлар жуда ҳам зарур бўлиб қолганида жиянимиз бизга ёрдам беради.

- Сизнинг тожикистонлик қаровчингиз бор эди, шундайми?

- Ҳа, у бизда деярли 2 йил ишлади. бизнинг врач-хирург танишимиз бор ва у менга қаерда ишлаган бўлса, барчага ёққан тиббиёт ходимини таклиф қилди. Мен унга қўнғироқ қилдим, у ҳозир ўзи бандлигини айтди ва яқинда унинг синглиси келишини, унга эса иш кераклигини айтди. У Озода Азимова эди. У келиши билан касалхонада ётган Геннадийнинг олдига ишга борди, у юрак ҳуружидан кейин касалхонада ётган эди. Сизга айтсам, у бизга дарров ёқиб қолди, чунки у ёқмаслиги мумкин эмасди.

Ўрта Осиёдан келган одам, ҳар доим кулиб туради, қуёшнинг тафти бор. Биринчи маротаба касал одамга қараганлиги сабабли, у чин дилдан ишлар эди. Ва мен ишдан келганимда эримга кимдир қараб ўтирганини кўриш ёқимли эди. У кейин эрим уйга келганидан кейин ҳам унга қараб ўтирадиган бўлди. Геннадий инсультдан кейин ўзини оғир ҳис қилгани ва ҳақиқий ҳаётдан озгина узилиб қолгани учун уни Груздев клиникасига бердим. 10 кунлик даволаниш учун 100 000 рубль тўладим. Ва менимча улар ўз ишларини бажарди: улар мияда қон айланишини йўлга қўйиш учун унга жуда ҳам кўп сонли капельница қилишган. Уни касалханодан олиб келганимда, унинг аҳволи жуда ҳам танг эди.

Мен қаттиқ асабийлашдим. Биринчидан, кичкина пул тўламадим, пул ҳам майлига, Геннадийнинг бундай ҳолати. Ва шу пайтда Озода бизга жуда ҳам ёрдам берди. Мен унга "нима бўлса ҳам Геннадийни ўрнидан турғизишимиз керак", дедим. Ва айнан шу хизматлари учун мен Озодани қадрлайман.

Албатта, Геннадийни оёққа турғазишда фақат унинг хизматлри мавжуд эмас. Кўпгина таниш врачлар ёрдам берди, қандай дорилардан фойдаланишни маслаҳат беришди, қўллаб-қувватлашди. Озода ҳақида гапирадиган бўлсак, у бизнинг уйимизга рўйхатга қўйилган эди. Мен шунчаки ФМХга борамиз ва унинг рўйхада туриш муддатини узайтирамиз деб ўйладим. Унга янги патент олиш кераклиги маълум бўлди. Бизга ФМХда айтишларича, уни бир ой олдин расмийлаштиришни бошлаш керак экан. Шу сабабли ҳозир у чегарадан чиқиб, кириши керак эди. Унинг Россияда бўлиб туриш муддатининг тугашига эса 3 кунгина қолган эди. Бирданига чиқиб келиш осон эмаску ахир. У бир ҳафтадан кейин чиқиб келди. Ва айнан шу унинг қоида бузиши эди. Аммо, у қайтиб кирди. Биз унга патент сотиб олдик, рўйхатдан ўтказдик. У бизда яхши ишлади. Кейин эса у яна Тожикистонга бориб келиши лозим бўлди, чунки унинг паспортининг муддати тугаётган эди. Мен эса у ҳозир ҳеч қандай тўсиқларсиз қайтиб келади, ахир ҳужжатлари жойида-ку деб ўйлаган эдим. Ва мана у ҳозир Россияга қайтиб кела олмаяпти. Бу унинг устига Озода охирги марта Россияда бўлиш қоидасини бузганлиги учун экан.

- Ҳозир сизда қаровчи борми?

- Ҳа, бор. Уни Озода вақтинчалик ўзининг ўрнига қолдирган эди. Лекин у хали ёш қиз, атиги 26 ёшда ва у рус тилида яхши гаплаша олмайди. Лекин Озода анча тажрибали эди, ўрта тиббий таълимга эга эди. Озода олий маълумотли бухгалтер ҳам эди, мен у билан тенг бўлиб гаплашишим қизиқарли эди. Бу вақт ичида у оиламизнинг бир қисмига айланди. У меҳмонларимизни ҳам кутиб олар эди, у буни жуда ҳам маромига етказар эди. Биз Озоданинг қайтиб келиши хоҳлардик. Мен аввалига эрим Озоданинг қайтиб келиши учун ариза ёзса бўлади деб ўйлаган эдим. У эса менинг РФ фуқароси эканлигим учун менинг аризам кўпроқ кучга эга бўлишини айтди. Мен ҳаракат қилмоқдаман. Мен ҳозир Тожикистонга бориб, Озоданинг меҳмони бўлишни, Ўрта Осиёни кўришни истар эдим. Лекин Геннадийнинг бундай ҳолатида бунинг иложи йўқ.

- Сиз Озода билан қўнғироқлашиб турасизми?

- Ҳа, гаплашиб турамиз, телефон орқали, қимматлиги учун кам гаплашамиз. Ноутбукимиз йўқ. Бугун унинг эри келган эди, улар Интернет орқали гаплашиб туришади. У Геннадийни кўриб кетиш учун келган экан. Озода яқинда қўнғироқ қилган эди, Геннадийдан "Мени танидингизми?", - деб сўради. У бўлса, "Албатта, Озода", деб жавоб берди. "Мени кутяпсизми?", - деб сўради Озода. – "Ҳар доим". Озода яна бир марта сўради, у эса "Айтдимку, ҳар доим", - деди.

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи

Ўрта Осиёлик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайёр бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5% қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома ёзиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63

Ёҳуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати. Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.

Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

Петербург ва Петрозаводск орасида юқори қулайликка эга “Ласточка” қатнайди

19 октябрдан Петербург ва Петрозаводск орасида юқори қулайликка эга бўлган “Ласточка” (“Қалдирғоч”) поезди қатнай бошлади. РТЙ матбуот хизматининг хабар беришича, янгиланган составда иккита класс бўйича хизмат кўрсатилади, столчалар пайдо бўлади ва бешинчи ҳамда ўнинчи вагонда аравадаги ногиронлар учун махсус жойлар бўлади. Ундан ташқари, ҳар бир составда тўртта ҳожатхона ҳисобга олинган.

Поездлар душанба, сешанба, чоршанба ва шанба кунлари битталик состав билан ҳаракатланади. Пайшанба, жума ва якшанба кунлари эса шаҳарлар ўртасида жуфтланган состав ҳаркатланади. Биринчи класснинг нарҳи 1194 рубль, иккинчи классиники эса 851 рублни ташкил этади.

Навбатдаги Музейлар кечаси Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 70 йиллигига бағишланади

2015 йилнинг май ойида бўлиб ўтадиган Музейлар кечаси Улуғ Ватан урушига бағишланган бўлади. Бу ҳақда маданият вазирининг ўринбосари Алла Манилова хабар берди.

Алла Манилова, РФ маданият вазири ўринбосари: “Бу ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган йирик лойиҳаларимиздан бири бўлади ва биринчи маротаба бизнинг музейларимиз ягона музей кенглиги шаклини олади”.

Манилованинг сўзларига кўра, акцияда Россиянинг федерал даражадагидан бошлаб идораларга оид барча музейлар иштирок этади. Давлат Эрмитажи ҳам акцияда иштирок этиши режалаштирилган.

Октябрнинг охирида Ғарбий Тезюрар Диаметрдан фойдаланиш тарифлари ўзгаради

2014 йилнинг 24 октябридан ҒТД фойдаланганлик учун йўл ҳақи баъзи автомобилларга нисбатан ошади. “РБК”нинг ҒТД оператори “Магистрали Северной Столицы”нинг матбуот хизматига таянган холда хабар беришича, алоҳида классдаги автомобиллар учун тариф жорий этиш мумкинлиги аввалбошдан ҳисобга олинган эди.

Ўзгартиришлар биринчи навбатда иккинчи класс транспорт воситаларига тегишли бўлади: олдинги ўқидан баландлиги 1,3 метрдан баланд бўлган икки ўқли автомобиллар. Бундай машиналар учун ҒТДнинг жанубий участкасидан ўтиши ҳозирги 70 рубль ўрнига 120 рубльни ташкил этади. “КАД — Благодатная” участкасининг тарифи 70 рублгача ўсади, “Благодатная — Екатерингофка” участкаси бўйича эса 50 рублгача. ҒТДнинг шимолий участкасида ҳам йўл ҳақи ўзгаради.

Йирик габаритли автомобиллар ўтиши учун тариф 80 дан 140 рублга ўсади. Ўзгаришлар “Приморский — Богатирский” участкасига ҳам тегишлидир. У ерда тариф 20 рублгача ошади. “Приморский — КАД” ва “КАД — Скандинавия” участкаларидан ўтиш тарифлари 70 рублгача ўсади.

24 октябрдан ҒТДда “Кун” ва “Тун” асосий тариф режаларидаги вақт чегаралари ҳам ўзгартирилади. “Тун” тарифи бўйича тўлов 0:00 дан 5:59 гача олинади. “Кун” тариф режаси эса 6:00дан 23:59 гача амал қилади.

Бишкекда биометрик маълумотларни тўпловчи 50 та пункт очилди

Бишкекда 16 ёшдан катта бўлган фуқароларнинг биометрик маълумотларини оммавий равишда тўплаш бошланди. Бу ҳақда Давлат рўйхатга олиш хизмати матбуот хизмати хабар берди.

20 октябрь, душанба куни пойтахтда аҳолининг биометрик маълумотлари оммавий рўйхатга олиш бошланди. Биометрик маълумотларга 10 та бармоқ изи, юзнинг рақамли фотосурати ва электрон имзо киради.

“Инфоком” ДКнинг шимолий филиали раҳбари Н. Дуйшекеевнинг сўзларига кўра, эрталаб соат 9 дан бошлаб Бишкекдаги хизмат кўрсатиш марказига фуқаролар ўз биометрик маълумотларини топшириш учун келишмоқда.

Таъкидланишича, маълумотларни тўплаш транспорт воситалари ва ҳайдовчилик таркибини рўйхатга олиш департаментининг бўлинмаларида, кўчмас мулкни рўйхатга олиш ва кадастр департаментларида, аҳолига хизмат кўрсатиш марказларида, ўрта мактабларда, олий юқув юртлари – КГУСТА, Раззаков номидаги КТУ, Скрябин номидаги КАУ, Қирғиз иқтисодиёт университети, Туризм академияси, Чуй университетларида жойлашган 50 та стационар пунктларда олиб борилади. Барча ўзи билан паспортини олиб келиши лозим: ID-карта ёки умумфуқаролик паспорти-хориж паспорти, 1994 йил намунасида паспорт.

Режиссёр: Odnoklassniki.kg фильми барча юлдузларни бир майдончага тўплади

20 октябрдан Бишкек кинотеатрларида ушбу мавсумнинг энг интиқиб кутилган мусиқий комедияларидан бири бўлган Odnoklassniki.kg картинасининг намойиши бошланди. Ғоя муаллифи ва режиссёри ёш ва келажаги порлоқ Эрнист Эсенгуловдир. Бу фильм режиссёр сифатида унга дебют бўлди. Odnoklassniki.kg шуниси билан машҳурки, унда қирғиз шоу-бизнеси юлдузларининг рекорд даражадаги сони суратга тушган. Уларнинг орасида Чолпонай, Мээрим Толепберген, Арсен, Омар, Самат ва Айида Долотбаковлар, Урмат Усенов, Бектемир Мамаюсупов, Назгуль Токтакунова, Жан Воинов, Нурсултан Азикбаев, Айбек Замиров ва бошқа машҳур шахслар бор.

Қирғизистоннинг шимолида асосий электр узилишлари кутилмоқда

Электр энергияси билан боғлиқ узилишлар асосан Қирғизистоннинг шимолида кутилмоқда. Бу ҳақда 17 октябрь куни бош вазир Джоомарт Оторбаев хабар қилди, дейди Tazabek.

“Мамлакатнинг баъзи ҳудудларида электрнинг ўчирилиши қишга ва аҳоли электрэнергиясини қандай ишлатишига боғлиқдир. Бу яна кўмир ва газ каби муқобил электр энергияси манбаларини самарали тақсимлай олишимизга боғлиқ бўлади”, - деди вазирлар маҳкамаси раҳбари.

Куз-қиш даврини узлуксиз ўтказиш учун мамлакатга тахминан 2,4 млрд кВт. соат электр энергияси етмайди, бу эса Токтогул сув омборидаги сув сатҳининг пастлиги билан боғлиқдир, деди бош вазир. Джоомарт Оторбаев яна шуни хабар қилдики, Энергетика ва саноат вазирлиги қошидаги Ёқилғи-энергетика комплексини бошқариш Департаменти мамлакатга қўшни давлатлардан мумкин бўлган импортни ҳисобга олган ҳолда тарифларни ташкил этишнинг янги принципини очиқ муҳокамага чиқарган.

Душанбе шаҳрининг ўрнида бронза даврига оид топилмалар топилди

“Археологлар томонидан Душанбе шаҳри ҳудудида эрамизгача IV ва III асрларга оид, яъни олимлар томонидан “ Ҳисор маданияти” деб аталмиш неолит даврига оид қадимий топилмалар топилди.

Хусусан, Душанбе ва Лучоб дарёлари туташган жой ҳудудида топилган қадимий қишлоқ бунинг яққол тасдиғидир. Ундан ташқари, Душанбе шаҳри ҳудудида тош ва мисдан ясалган қурол ҳамда асбоблар, шунингдек, бронза даврига оид камёб топилмалар аниқландики, бу нарсалар Душанбе шаҳрининг бой ва қадимий тарихидан дарак беради “, - дея эслатиб ўтди Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон.

Э. Раҳмон Тожикистон пойтахтининг 90 йиллиги билан тожик халқини қутлади

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Душанбе шаҳри аҳолиси ҳамда бутун тожик халқини Душанбе шаҳрига пойтахт мақоми берилганлигининг 90 йиллиги билан табриклаб, ҳар бир оилага “бақарорлик, қут-барака, доим ям-яшил шаҳарга эса бунданда ободлик, тараққиёт тилади”, дея хабар қилади ТР давлат бошлиғининг матбуот хизмати. Айнан Тожикистон мустақиллик йилларида республика ҳукуматининг ва Душанбе шаҳри давлат ижроия аъзоларининг ташаббус ва ғамхўрликлари туфайли ушбу пойтахт шаҳар республика шаҳарларининг ичида муносиб ўрнига ва миллий қиёфасига эга бўлиб, ҳозирги вақтда обод, гуллаб-яшнаётган, чиройли ва тараққий топаётган шаҳарлардан бирига айланди”, деб ҳисоблайди Президент. 2013 йилда Душанбе шаҳрининг ЯИМ кўрсаткичлари 2000 йилдагига қараганда 22 баравар ўсиб, 9 млрдга яқин сомонийни ташкил этди, дея таъкидлаб ўтди давлат бошлиғи. Шу билан бирга, пойтахт йўлларининг таъмири ва реконструкция ишлари давом этиб, сўнгги 7 йил ичида ушбу мақсадлар учун молияштириш ҳажми 15 баравардан ошди.

Унинг сўзларига қараганда, пойтахт аҳолисининг 38% ини 40 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиб, улар пойтахтнинг ва азиз Ватаннинг бунёдкорлик ва ободлигига ўз интеллектуал салоҳияти билан ҳисса қўшмоқдалар.

Россия ва Тожикистон: минтақавий ҳамкорлик салоҳияти

Россия ва Тожикистон минтақавий ҳамкорлиги бўйича III конференция ва IV Халқаро парламентлараро “Россия-Тожикистон: минтақавий ҳамкорлик салоҳияти” Форуми 23-24 октябрь кунлари Москва шаҳрида ўтказилади.

Тадбирларда Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси ҳудудларидан вакиллар,Федерация Кенгаши аъзолари, РФ Федерал мажлиси Давлат Думаси депутатлари, тожикистонлик парламент аъзолари, вазирлик ва маҳкама вакиллари, шунингдек, Россиянинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган тожик миллий-маданий бирлашмаларининг раҳбарларининг вакиллари иштирок этиши режалаштирилган.

Конференция ва анжуман доирасида Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси ҳудудлари кўргазмаси ўтказилади ва “Қўшма инфратузилмали лойиҳалар ва инвестицияларни рўёбга чиқариш. Кичик ва ўрта бизнес ролини ошириш”, “Қишлоқ хўжалиги соҳасида рус-тожик ҳамкорлигини ривожлантириш”, “Россия ва Тожикистон ўртасида меҳнат миграцияси жараёнининг аҳволи ва ҳуқуқий идора этиш”, “Россия ва Тожикистон гуманитар алоқаларини ривожлантириш йўналиши истиқболлари” каби давлатлараро ҳамкорлигининг турли йўналишларидаги мавзуга оид давра суҳбатларининг иши ташкиллаштирилиши режалаштирилган.

Президент Уммон билан транспорт коридори бўйича меморандумни тасдиқлади

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 15 октябрь куни ўз Қарори билан Эрон, Уммон, Қатар, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасидаги Халқаро транспорт ва транзит коридорини тузиш ҳақидаги Келишувни татбиқ этиш бўйича ҳамжиҳатлик ҳақидаги Меморандумни тасдиқлади.

Меморандум Маскатда (Уммон) жорий йилнинг 6 августида лойиҳада иштирок этаётган давлатлар ташқи ишлар вазирлари учрашувида имзоланган эди.

Халқаро транспорт ва транзит коридорини яратиш тўғрисидаги Келишув 2011 йил 25 апрель куни Ашхободда (Туркманистон) имзоланган эди.

Лойиҳанинг татбиқ этилиши коридорда иштирок этадиган мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришни, транзит юк ташишларни оширишни ва уларни янги бозорларга чиқишини таъминлайди.

Матн: “Газета.uz”

Тошкентда саноат кўргазмалари

2014 йилнинг 21-23 октябрь кунлари “ITE Uzbekistan” халқаро кўргазма компанияси ва ITE компаниялар гуруҳи “Ўзэкспомарказ”да “Марказий Осиё саноат ҳафталиги – Central Asian Industrial Week” халқаро тармоқлараро форуми бўлиб ўтди.

Бу йилда Central Asian Industrial Week бирлашган кўргазмалар экспозицияси 18 мамлакатдан 100 дан ортиқ компанияларни тақдим этди. Жорий йилда мазкур кўргазмалар экспозициясида Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Буюк Британия, Австрия, Италия, Франция, Нидерландия, Янги Зеландия, Польша, Беларусь, Финляндия, Чехия, Швейцария, Швеция, Қозоғистон каби мамлакатлар иштирок этди. Лойиҳада 35 га яқин компаниялар илк маротаба иштирок этмоқда, хорижлик иштирокчилар ҳиссаси 75 фоизни ташкил этди.

Қозоқ-ўзбек чегарасида янги чегара заставаси очилди

Қозоғистон МХК Чегара хизмати матбуот-хизматининг хабар беришича, қозоқ-ўзбек давлат чегарасининг Жанубий Қозоғистон областидаги участкасида Сариағач чегара отряди “Онтустик” ҳудудий бошқармасининг “Дархан” янги чегара заставасининг тантанали очилиши бўлиб ўтди.

“Очилиш маросимида Қозоғистон Республикаси парламенти сенатининг Икрам Адирбеков бошчилигидаги халқаро муносабатлар, мудофаа ва хавфсизлик қўмиталарининг депутатлар гуруҳи ва Жанубий Қозоғистон области хокимияти вакиллари ҳам иштирок этди”, - дейилади хабарда.

Идоранинг маълумотига кўра, тантанали учрашувни очар экан, ҚР МХК Чегара хизмати директори давлат чегараларини ободонлаштириш бўйича йирик кўламдаги давлат мақсадидаги дастурини амалга ошириш бўйича навбатдаги қадам қўйилганини таъкидлади ва чегарачиларга мустаҳкам соғлиқ ва уларнинг масъулиятли ҳамда мардонавор ишларида омадлар тилади.

Джуламанов бугун чегараларни ободонлаштириш ва такомиллаштириш бўйича чоралар қабул қилинганини таъкидлади. Фақатгина бир йил мобайнида 20 та чегара инфраструктурасининг объектлари барпо этилган ва фойдаланишга топширилган. Ҳарбий хизматчиларнинг 1000га яқин оилалари уй-жой билан таъминланган.

Одоб ва аҳлоқ туркуми

Четдаги аёл...

Бувилардан бирининг деганлари: “Бурунгилар қаноатли, оқибатли бўлишган. Энди айтсанг, у гаплар эски замонларнинг ҳикоясидай, янаям тўғриси, эртакдай туюлади. Аммо ҳаммаси бўлган ишлар. Мана, масалан, оиласида эр киши бўлмаган аёллар бўшаган челагини дарвоза олдига чиқариб қўйган. Буни кўрган эркак зоти борки, хонадоннинг эҳтиёжини англаб, челакни сувга тўлдириб, жойига қайтариб қўйиб кетган. Ҳозиргилар “Ростданми?” дейишади ҳайратланиб. Ўша пайтда эса одамлар буни ҳар кунги вазифаларидек бажаришган.

“Эркак ҳайбатли бўлса, аёл иффатли бўлади”, деган эди бобом бир суҳбатда. Ҳақ гап экан. Аёлини четга жўнатиб қўйиб, ундан келган пулга уй солаётган, рўзғор камларини бутлаб ўтирган эрларни кўрсам, шуни ўйлайман.

Неварам айтиб қолди, бир таниши болаларини қайнонасига ташлаб, хотини билан хорижга ишлагани кетган экан. Анчагина йиғинишгач, эр қайтиш ҳаракатига тушибди. Хотини “энди ўрнашганимизда, кетиб қолганимиз яхшимас-да”, дебди. Шунда эрнинг гапини эшитиб, ҳайрон қолдим: “Ростанам ўзимизнинг жойдек бўпқолди, таниш-билишларам бор. Мен кетаман, хоҳласанг, бирпас ишлаб, кейин боравер. Ҳарна рўзғорга кўр бўлади...”

Олти ойча бўлибди, эри хотинининг топганини рўзғорга кўр қилиб ўтирибди экан. Аёлнинг иффати қайда қолди-ю, эркакнинг ҳайбати қайга йўқолди? Бобом раҳматликнинг яна бир гаплари бўларди: “Қаноати бўлмаган одамнинг ҳаловати бўлмайди”. Балки ҳозиргилар учун эски гапдир, аслида, ҳеч эскирмайдиган гап шу...”

Аёллардан бирининг деганлари: “Кечаги кун маҳаллада катта йиғилиш бўлди. Аёлларнинг хорижга бориб ишлаши, одам савдосига қарши кураш ҳақида гапиришди. Алданганлар, сотилиб, кейин бир амаллаб қайтиб келганлар ҳам кўп экан-да! Лекин, фикримча, ўша алданганлар ҳам у даражада содда бўлмаса керак, чунки ҳозир ҳамма анча қув бўлиб кетган. Йиғилишда ҳам айтишди, кўпчилик кўра-била туриб кетаркан. Бўлмаса, телевизорда, матбуотда неча марта огоҳлантириляпти. Ҳаёлим эримга кетди, шунча кетманг десам ҳам, синглимнинг тўйига пул йиғмасак бўлмайди, деди. Бир нарса десанг, қайнсингиллар: “Укамнинг бизга қилганларидан дарров ғашланяпсизми?” деб жанжал қилишади. Индамадим, кетди. Бўлмаса, рўзғоримиз жуда тўкин бўлмаса ҳам, тирикчилик ўтиб турувди. Мен-ку, қаноат қилавераман-а, қайнсингиллар қўйишмади-да. Кетганига бир ой бўлгани йўғ-у, кўчада болаларини етаклаб кетаётган оталарни кўрсам, юрагим эзилади. Болалар дадасини соғинишади, турмушда ҳар хил кун бор, эримнинг далдаларига эҳтиёж сезаман. Шом бўлгани сари болалар ҳам, ўзим ҳам дарвозага қарайверамиз. Шу керакмиди, дейман ўзимга-ўзим. Очин-тўқин яшасак ҳам майли, бирга, оила бўлиб яшаш муҳиммасми?

Мана, бир танишимиз четга кетувди, ишлади, пешма-пеш пул юборди, данғиллама уйлар солишди, кейин эса... ўлигини олиб келишди. Ёшгина хотини иккита бола билан қолди. Энди у уй, у иморатлар кўнглига сиғадими? Шунақа десам, қайнсингилларим юмма талашди, ниятимни яхши қилай экан, унинг ўрнига дуо қилай экан. Дуо қилмасмидим, уларнинг акаси бўлса, менинг эрим, болаларимнинг отаси-ку! Ёмон ният қилмадим, бор гапни айтдим, холос. Хотинлар шу-да, гапни йиғилишдан бошловдим, ўзимнинг дардимга чалғиб кетибман.

Сўзга чиққанлар аёлларга анча насиҳат қилишди. Ўз ихтиёрларинг билан алданманглар, хорижда ҳам боришингиз билан катта пулни қўлингизга тутқазиб қўйишмайди, ҳаракат қилсангиз, шу ерда ҳам топиш мумкин, дейишди. Ёнимдаги бир аёл тўнғиллади: “Э, бу ерда ҳаммага ақл ўргатишади, тирикчиликнинг нималигини билармикан шулар? Четга кетаётган аёллар ҳам ҳавасга кетмаётгандир, ҳеч тўлмайдиган рўзғор, ейманичаман деган болалар, уй солиш, тўй қилиш...” Ёнимизда ўтирган онахон эса мийиғида кулиб, менга қаради: “Қаноатсизлик, орти кўринмайдиган орзу-ҳаваслар бизни шу қўйга солди. Бежиз айтишмаган: “Аёлнинг топгани юзга етсаям, тузга етмайди”. Эркакнинг топганида барака бор. Эрининг, оиласи эркакларининг риоясини қилган аёл аёллигида туради, сабр қилади. Ҳозирги хотинларнинг нолишлари қулоқни ёради. Мундоқ қарасанг, ҳеч бўлмаганда ҳаммасининг қулоғида битта тилла сирғаси, қўлида битта олтин узуги бор. Ҳатто очарчилик пайтидаям одамлар бунчалик шикоят қилмаган. Бир нарса десанг, орзу-ҳавасдан, яхши яшашдан, бахтдан гапиришади. Тушунмайман, яхши яшаш, бахт деганда нимани тушунар экан булар?”

Онахон ҳақ, майли, эркаклар-ку, рўзғор тебратишлари керак, лекин аёллар-чи? Яқинда ёнимиздаги гўзаллик салонида ишлайдиган аёл четга кетаман, деб қолди. Ҳайрон бўлдим, чунки ҳар куни қўлига кам деганда 30 – 35 минг тушишини ўзи айтувди. Кийиниши, пул сарфлаши ҳам яхшигина. Шуларни айтсам: “Мана шу ҳаётга овуниб юравермайман-ку, одам атрофга қараб, яхши яшагиси келади-да”, деди. Вақти келса, битта картошка, битта сабзи, озгина гуруч ёки макарондан овқат қиламан. Шуни ўйлаб туриб, онахоннинг саволига хаёлан жавоб бердим: бир аёлнинг бахти оиласида. Яхши яшаш эса... Бош суқадиган бошпананг, ҳалолу пок топилган обиёвғон ва дастурхон устида кулишиб, яйраб ўтирган оила аъзоларинг. Асосийси ҳаётдан нолимайдиган тил, борига шукр қиладиган ҳузурли қалб...

Моддиятми? У жудаям етишиб бўлмайдиган нарса эмас, Худойим бераман деса, Ўзига осон”. Синглимнинг деганлари: “Биз билан бирга ишлайдиган турмушидан ажралган опа бор эди. Чет элга ишлагани кетди. Бир неча кун ўтар-ўтмас, ишхонага кириб келаётганини кўриб, ҳайрон бўлдик. Билсак, кетганини эшитган тоғасининг ори келиб, борибди-да, олдига солиб қайтариб олиб келибди. Бир оғиз сўз айтибди: “Худога шукр, биз тирикмиз, ўлганимиз йўқ. Ўлган тақдиримизда ҳам бир гапимни қулоғингга қуйиб ол: аёл – номус дегани, хонадон эркакларининг ори дегани. Шундай бўлгач, бизнинг номусимиз, оримиз билан ўйнашма!”

Менинг деганларим эшитганларимни борича келтирдим, улардан ошириб бир нарса деёлмасам керак. Хулоса чиқариш барчага ҳавола...

Зумрад Фозилжон қизи

Ҳурматли ота-оналар! “Петербург болалари” СПб ҲЖТ 4 дан 18 ёшгача бўлган болаларни рус тили ва маданияти бўйича бепул дарсларга таклиф қилади.

Дарслар шаҳарнинг турли районларида ҳафтасига 1-3 маротаба бўлиб ўтади.

8 921 093 88 19

рақамларига қўнғироқ қилиб, ёзилишингиз мумкин.

detipeterburga.ru vk.com/knowyourlanguage

ФГУП «Паспорт-виза хизмати»

Санкт-Петербургда қандай қилиб иш топса бўлади

Санкт-Петербургда ва Ленинград вилоятларида адолатли иш берувчилардан иш топишни ҳоҳлаган чет эл фуқаролари қуйидаги манзилда жойлашган ФГУП "Паспорт-виза хизмати" га мурожаат этишлари мумкин: Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.

Россия Федерал Миграцион хизматининг давлат муассасаси ходимлари сизларга "Меҳнат Биржаси" да рўйхатдан ўтишингизга, арзон нархларда турар жой топишга, миграцион ҳисобга туришингизга, ишга рухсатнома олишингизга ёрдам беради.

Агарда чет эл фуқароларидан саволлар ва муаммолар пайдо бўладиган бўлса, унда улар ФГУП "Паспорт-виза хизмати" нинг умумий қабулхонала-рига бемалол мурожаат этишлари мумкин.

Телефонлар: **318-01-18**

«Меҳнат Биржаси» ни хизматларидан қандай фойдаланса бўлади

Чет эл фуқаролари "Меҳнат Биржаси" нинг маълумотлар базасида қайд этилади ва 1 йил мобайнида хизмат кўрсатилиши тўғрисида шартномани имзолайди. Шартнома тузилаётганда чет эл фуқаросига Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятлари бўйича арзон тарифдаги Сим-карта тақдим этилади.

қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Санкт-Петербург шаҳри, Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.

318-01-18 www.7771000.ru

Золотая Корона

ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ

по России и СНГ

в салонах МТС

от 1%*

Вера Брежнева

МТС на шаг впереди

Перевод денежных средств без открытия банковского счета. Услуга предоставляется РНКО «Платежный Центр» (ООО), лицензия ЦБ РФ № 3166-К, на основании договора о комплексном обслуживании клиента (текст предоставлен на сайте www.rnko.ru) в салонах МТС (торговых точках розничной сети ЗАО «РТК» (ОГРН 1027739165662). *Тариф 1% действует на денежные переводы в Азербайджан и Молдавию в период с 01.09.14 по 31.10.14. В остальные страны СНГ комиссия составляет 2%, по России 1.5%. Максимальная сумма перевода в день составляет 200 000 руб. Максимальная сумма перевода за 60 дней составляет 1 500 000 руб.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида нималарни билиш зарур? 1-қисм

Ушбу сондан бошлаб биз сизларга «Маъмурий қўлга олинган шахслар, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлга олинган шахслар, шунингдек, маъмурий қўлга олишни амалга оширувчи ички ишлар ходимлари учун Эслатма»ни чоп этишни бошламоқдамиз.

Маъмурий қўлга олиниш - бу жисмоний шахснинг эркинлигини қисқа муддатга чеклаш бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишни таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича қарорни ижро этиш ҳолатларидагина қўлланилиши мумкин. (РФ МҲтКо 27.1-модда)

Ушбу эслатма жиноят содир этганлиги учун эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарликни амалга оширганлиги учун полиция ходимлари томонидан қўлга олинган шахслар учундир. Агарда сиз шундай ҳолатга тушиб қолсангиз, сериал ҳамда жангари киноларни эсдан чиқариб, қонунларни ёдга олинг. Манаман деган тили бурроларнинг “Қонун бу сафсата”, “Мелисада ҳақиқат бўлмайди” каби маслаҳатларини унутинг. Фақат қонунда ёзилганларни бажаринг ва унга ҳуқуқни ҳимоя қилувчилар томонидан риоя этилишини талаб қилинг.

Агар сиз ўзингизни асоссиз равишда қўлга олдилар ва мансабларини суистеъмол қилдилар деб ҳисобласангиз, юқори турган раҳбариятга ва прокуратурага шикоят ёзинг.

Жавоб қайтаришмадими - инсон ҳуқуқлари бўйича ваколатли шахсга ёзинг.

Соғлик учун салбий оқибатларга олиб келувчи куч ишлатишдими - суд-тиббий экспертиза Бюросида (Санкт-Петербург, Екатеринбург пр.10-уй) тиббий текширувдан ўтинг.

“Умуман” ўзбошимчаликни тамғаламанг ва бузилишлар фактларини аниқ-лўнда баён этинг. Шахсни камситишга ва қонунсизликка фақатгина амалларнинг исботлилиги ва изчиллигигина қарши тура олади.

Бизнинг эслатмамизда баён этилган маълумот тартиб посбонлари билан тўқнаш келганда, маъмурий иш юритувни кўзғатиш ва маъмурий қўлга олиниш ҳолатларининг дастлабки даврларида ҳаракат килишга,ўзининг асл ҳуқуқий ҳолатини идрок этишга ва ўз ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилишга («ҳақни даъво қилмасдан») ёрдам беради.

Ҳатто фуқаро томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик полиция ходимлари томонидан унинг ҳуқуқлари поймол этилишига асос бўла олмайди.

РФ МҲтК - Россия Федерацияси маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Кодекси.

РФ ФПК - Россия Федерацияси Фуқаролик-процессуал Кодекси.

Қандай амаллар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўзғатилишига сабаб бўлади ва бу қандай окибатларни келтириши мумкин?

Майда безорилик, яъни жамиятга яққол ҳурматсизликни акс эттирувчи жамоат тартибини бузиш, жамоат жойларида ножоиз сўзларни ишлатиш, фуқароларга таҳқиромуз тегажоқлик қилиш. Жарима-500 дан 1000 рублгача ёки 15 кунлик маъмурий қамоқ (РФ МҲтК 20.1-моддаси).

Ҳукумат вакили ёки жамоат тартибини қўриқлаш, ёхуд жамоат тартибини бузилишини олдини олувчи вазифасини бажарувчи бошқа вакилнинг қонуний талабига бўйсунмаслик билан қўшилган худди шундай амаллар. Жарима - 1000 рублдан 2500 рублгача ёки 15 кунгача маъмурий қамоқ (РФ МҲтК 20.1-моддаси).

Миллатчилик руҳидаги нарсаларни ёки рамзларни ошкорона намойиш этиш ёки тарғиб қилиш. Жарима-500 рублдан 1000 рублгача ёки 15 суткача маъмурий қамоқ, миллатчилик руҳидаги нарсаларни ёки рамзларни мусодара қилиш билан бирга (РФ МҲтК 20.3-моддаси).

Жамоат жойларида пиво ва унинг асосида тайёрланган ичимликларни, алкоголли ва таркибида спирт бўлган маҳсулотларни ичиш, наркотик моддаларни ёхуд психотроп моддаларни истеъмол қилиш. Жарима - 100 рублдан 1500 рублгача. (РФ МҲтК 20.20-моддаси).

Жамоат жойларида (кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, боғларда, жамоат транспортида, жисмоний-соғломлаштирувчи мажмуаларда) инсонийлик ор-номусини ва жамоат одоб-аҳлоқини камситувчи маст ҳолатда пайдо бўлиш. Жарима-100 рублдан 500 рублгача ёки 15 кунгача камоқ (РФ МҲтК 20.21-модда).

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати қайси ҳужжат билан расмийлаштирилади?

Прокурор томонидан иш кўзғатилганлиги ҳолатларидан ташқари, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун огоҳлантириш, ёхуд маъмурий жарима тайинланган ҳолатлардан ташқари ҳолатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида баённома тузилади (РФ МҲтК 28.6-модда 1-қисми).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилган вақтдан бошлаб ёки прокурор томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўзғаш ҳақидаги қарор чиққан вақтдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўзғатилган ҳисобланади.(РФ МҲтК 28.1-модда 4-қисм 3-банди).

Қандай ҳолатларда қўлга олиш амалга оширилади?

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этилганлиги ҳақидаги баённомани содир этилган жойда тузишнинг иложи бўлмаган ҳолатда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадларида амалга оширилади (РФ МҲтКо 27.1-модда 1-қисми).

Қандай ҳолатларда қўлга олиш мумкин эмас?

Агарда шахсни, ҳодиса тафсилотларини аниқлашнинг ҳақиқатдан ҳам иложи бўлса, ҳамда ҳодиса жойида баённома тузишнинг иложи бўлса, қўлга олиш амалга оширилмайди.

Аввало сиз ходимни ҳуқуқбузарликни қасддан содир этмаганлигингизга ишонтириб кўришга ҳаракат қилиб кўринг. Ундан сўнг РФ МҲтК нинг 28.6-моддаси 1-қисмини асос қилиб кўрсатиш мумкин, унда фуқарога нисбатан ҳуқуқбузарлик содир бўлган жойда огоҳлантириш ёки жарима солинишига асос мавжуд ҳолатда қўлга олиниш қўлланилиши мумкин эмас.

«Мусофирлик жонга тегди»

Тўйиб кетиб жудоликдан,
Жудолигу-ғарибликдан.
Кутиб яшаб узоқликдан,
Мусофирлик жонга тегди!

Соғинчлар ҳам қамраб олиб,
Икки ойга уйга бориб.
Чидолмадим йўлдан тониб,
Мусофирлик жонга тегди.

Дўстларимни кўролмадим,
Тўйма-тўй ҳам юролмадим.
Боғлар аро кезолмадим,
Мусофирлик жонга тегди.

Ортимдан зор онам қолди,
Кўзларимда ёш авж олди.
Болаларим чопиб қолди,
Мусофирлик жонга тегди.

Ўзга юртнинг нони ширин,
Аммо дарди кўп яширин.
Икки ҳаёт бирма-бирин,
Мусофирлик жонга тегди.

Қолиб кетдим аро йўлда,
Гоҳ Сибиру совуқларда.
Кўп йил юрдим бу элларда,
Мусофирлик жонга тегди.

Она-юртим маконларим,
Соғиндим ман яқинларим.
Қачон тугар бу дардларим,
Мусофирлик жонга тегди!

«Россияга кетган аёллар»

Номард эрлар ташлаб кетганда,
Кўзларини ёшлаб кетганда.
Бошларига ташвиш тушганда,
Россияга кетган аёллар.

Ўзларини эркакдай кўриб,
Ҳам ота-ю, ҳам-она бўлиб.
Мажбурликдан кўзга ёш олиб,
Россияга кетган аёллар.

Кетмай деса, рўзғор не бўлар,
Қийналганин айтинг ким билар.
Кўрсангиз гар раҳмингиз келар,
Россияга кетган аёллар.

Ўз ризқидан насиба ишлаб,
Эркак каби баробар қишлаб.
Ўзин эмас, фарзандин ўйлаб,
Россияга кетган аёллар.

Эй эркаклар келмаса малол,
Рўзғорингиз боқингиз ҳалол.
Ёш тўкмасин сизни деб аёл,
Кўз ёшлари бўлгайдир увол.

Эльёр Жўразод, Тожикистон, Панджакент

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди

Санкт-Петербургда катта қийинчиликларга дуч келдингизми?

Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда.
Рус тилида сўзлашмасангиз ҳам сизларни тушунамиз!

Ташриф буюринг! Биз сизларга қуйидаги масалаларни ечишда бепул ёрдам кўрсатамиз:

- Россияда қонуний яшаш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатий кўмак
- қонуний ишга жойлашишда
- меҳнат ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса
- ҳуқуқ тартибот идораларида сизни ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда
- ҳужжатларни йўқотсангиз ёки олдириб қўйсангиз
- қарз маблағи олишда юридик маслаҳат

Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:

- Рус тили машғулотлари
- маданий ҳордиқ ва хайрия тадбирлари
- илмий семинарлар ва анкуманлар

ФОНД ПОМОЩИ
Трудовым мигрантам из Средней Азии

Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!

Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: «Ломоносовская» метро бекати, Бабушкина кўчаси, 52-уй литер А, офис 27Н (Арка ёнидаги эшик, Прямой проспект орқали)

Телефон: 8 (812) 309-73-06 Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига зудлик билан юридик масалалар бўйича мутахассис ва Фонд аъзолари билан ишлаш бўйича мутахассис (аёл киши), ҳамда «Турон» газетасига чоп этувчи муҳаррир (ўзбек тилига), газета учун рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига таржимон ишга таклиф этилади.

НОМЗОДЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ:
*** рус тили ва РФ қонунларини яхши билиш; * киришимли; * жамоада ишлай билиш; * самимий, одобли; * компьютерни яхши билиш.**
Керакли малакага эгалиги ҳақидаги тегишли рухсатномаларга эга бўлиши шарт.

Миграция масалалари, Фонд ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан боғлиқ иш тажрибасига эга бўлса, бу унинг устунлиги ҳисобланади.

Ломоносовская метро бекати.
Бабушкина кўчаси 52 уй, офис 27н.
Телефон: 309-73-06, 8 (952) 224-30-19.

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран» первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Некоммерческая организация
«Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии»
Главный редактор: Маматмуминов М. У.
Выпускающий редактор: Ирина Редькина
Журналисты: Марина Мельник, Анна Демидова,
Ксения Сомова, Антон Грушин, Анна Чмерина

Дизайнер-верстальщик: Елена Завгородняя
Переводчик с русского на узбекский: Мансурбек Мирзавалиев
Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, БЦ «Нева». 3 эт., офис 12, Издательский дом «Сорока». Ст. м. «Пролетарская».
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06. E-mail: turangazeta@yandex.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров

Отпечатано в типографии ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ №1374. Газета зарегистрирована в Федеральной службе по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций, ПИ № ФС 77-57390.
Газета распространяется бесплатно.
Дата выхода в свет: по графику – 23.10.2014, фактическое – 23.10.2014
Время подписания в печать по графику – 18.00, фактическое – 18.00

«Турон» Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти
Бош муҳаррир: Маматмўминов М. У.
Чоп этувчи муҳаррир: Ирина Редькина
Дизайнер-ҳарф терувчи: Елена Завгородняя

Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Мансурбек Мирзавалиев
Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, «Нева» савдо маркази, 3 қават, офис 12, «Сорока» нашриёт уйи, «Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06

Газета тиражи: 15 000 нусҳада. ОАЖ «Первая Образцовая типография, «Санкт-Петербургский газетный комплекс» типографияси филиалида босилди. 198216, Ленинский пр. 139. Буюртма №1374.
Газета Алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар назорати Федерал хизматида рўйхатдан ўтган, ПИ № ФС 77-57390.
Газета бепул тарқатилади.
Нашрга топшириш вақти: жадвал бўйича – 23.10.2014 соат 18.00,
ҳақиқий вақти – 23.10.2014 соат 18.00